

Хайнрих Хайненинг Лорелей Балладаси Ҳақида

*A. Акбаров*¹

Аннотация: ушбу мақолада Ҳайнрих Ҳайненинг Лорелей балладаси ва унинг қадр-қиммати, шунингдек ҳозирги кундаги аҳамияти таҳлил этилган.

Калит сўзлар: адабиёт, жаҳон адабиёти, “Лорелей” балладаси, шеърият.

Ҳар йили ўн учинчи декабрда буюк немис шоири Ҳайнрих Ҳайне туғилган куни байрам қилинади. Бу йил шоир 225 ёшга тўлади. Бу санани шоирнинг ватандошларигина эмас, балки бутун дунёдаги шеърият шайдолари байрам қиласидар.

Афсонавий Рейн гўзалига бағишлиган машҳур “Лорелей” (“Lorelei”) (1821) Ҳайнега катта шухрат келтирди, бу шеър ҳалқ қўшиғига айланди. Шоир Лорелейни сирли ҳақиқат эмас, балки жуда гўзал бадиий тўқима сифатида тасвирлади.

Ҳайне шеърлари ҳалққа сингиб, ҳалқ қўшиқларига айланиб кетганлиги сабабли гитлерчилар унинг асарларини ўтда ёндириб, унинг асарларинигина эмас, балки номини хам йўқ қилмоқчи бўлишган. Бироқ, шоирнинг “Лорелей” шеърини йўқота олмадилар, шеър эса немис қўшиқлари тўпламида “ҳалқ қўшиғи” сифатида чоп этилди ва ҳалқ томонидан севиб куйланди.

Шоир шеърларини ўзбек тилига дастлаб Чўлпон, Ойбек, Максуд Шайхзода, Миртемир, кейинрок Хайридин Салоҳ, Абдулла Шер, Эргаш Очилов, Маҳмуд Тоштемиров, Аъзам Исмоил ва бошқалар таржима қилганлар. “Лорелей”ни эса Миртемир, Насриддин Муҳаммадиев (Носир), Абдулла Шер, Аъзам Исмоил таржима қилишган. Биз мазкур мақоламизда Лорелей балладасинининг яратилиши, асарни яратишда Ҳайненинг бадиий маҳорати, ўзбек тилига таржималари ва шу билан боғлиқ баъзи томонларни кўриб чиқамиз.

Рейн афсоналарга бой ўлка. Рейн қирғокларида викор билан бўй чўзган қоялар жуда кўп, уларнинг пойида эса сувости тошлари ва шиддатли оқим, гирдобрлар ястаниб ётади. Мана шундай мафтункор гўшада муҳаббат ва ғам, баҳт ва азоб, соҳибжамол қиз, жасур рицар ҳақиқидаги ғамгин романтик афсоналар дунёга келган. Айнан, “Лорелей” ҳақиқидаги немис афсонаси романтик дарё Рейннинг қирғокларида яралган. Бир пайтлар бу ерда дарё бўйлаб сузид бораётганларни ўз қўшиғи билан сехрлаб оладиган, қояда жойлашган гўзал парилар ҳақида маълумот берилади. Афсонани Бахарах яқинидаги Лур-лей қояси номи билан боғлайдилар. Бу қоя сехргар пари Лора исми билан номланган (“лей” қоя), кейинчалик Лора Лорелей деб атала бошланган. Яна сехргар қўшиқ айтган қояни ўзи танлаган деган, қараш хам бор.

Loreley ёки Lorelei романтик афсоналари билан машҳур Рейн дарёсининг ўнг қирғогидаги Санкт Гоарсхайзен шаҳри яқинидаги баландлиги 132 метрли қоя. Мазкур қоя Германия худудидаги Рейннинг энг тор қисмидаги жойлашган. Дарёнинг эни шу ерда 113 метрни ташкил этади. Рейн дарёсининг романтик воҳаси Бинген ва Кобленц шаҳарлари ўртасида жойлашган бўлиб, энг гўзал масканлардан бири ҳисобланади. Дарё эса Германия худудидан 65 километр узунликда оқиб ўтади. Икки қирғоқда қирқдан ортиқ сарой ва қальба жой жойлашган.

Сўз топономикаси немис тилида (“*lelel*” маҳаллий шевада- шивирлаш, пиҷирлаш) ва („*ley*“ қоя) деган маънони англатади. Қояда дарё париси ҳайкали, тўлқин тўсарда эса Лорелей ҳайкали ўрнатилган. Ҳар иккала ҳайкал хам порнографик кўринишга эга. Қоя шарафига 165- астероид Лорелей номи билан аталади.

Афсона узоқ вақт маҳаллий ривоят бўлиб қолди. XIX аср бошларига келиб Рейн афсонаси бошқа юртларга ҳам тарқалди. Ўз сехрли қўшиғи билан қайиқчиларни мафтун қилган Лорелей қоясидаги сув париси барча романтик шоирлар эътиборини ўзига каратди.

Лорелейнинг ёзилишига манба бўлган катта-кичик ривоят ва воқеалар анчагина. Шулардан бири романтик шоир Клеменс Брентано ижод қилган афсонадир. Бу афсонани кейинчалик қўпчилик немис адиблари қайта ишлаб, эълон қилганлар. Ҳайнрих Ҳайне Граф Лебен 1821 йилда қайта ишлаган муқобилига таянган ва Лорелей Рейн дарёсидаги сув париси эканлиги ҳақида маълумот беради. Унинг шеъри бошқалари орасида энг сараси ва эътиборга молиги эди.

Лорелей шеъри Германияда 1856 йили ҳалқ қўшиғига айланиб кетгади ва Лорелей ўзининг мафтункор қўшиғи билан қайиқчиларни сехрлаб, ақлу ҳушини ўғирлаб, сув остидаги чўтири тошларга, гирдобра маҳкум этган сув париси эканлиги қайд этилади, унинг номи дарёнинг Лорелей қояси билан боғланади.

¹ Фарғона давлат университети доценти, Педагогика фанлари номзоди, Ўзбекистон, Фарғона ш

Хайнега романтик шоир Клеменс Брентанонинг Лорелей ҳақида ёзган балладаси (1801-1802), худди шу сюжетдаги Эйхендорф асари, яна бошқа ривоят мүқобиллари маълум эди. Шунингдек, у Алоиз Шрайбернинг “Рейн бўйлаб саёҳатчилар учун кўлланманга” сидан ҳам хабардор эди. Кўлланманинг иккинчи нашрига (1818) “Лурлей устидаги қиз” деган афсона илова қилинган: “Қадим замонда, кош корайган маҳал, ой шуъласида Лорелей қоясининг устида бир қиз кўринарди. Қиз шу қадар нафис овоз билан куйлар эдик, уни эшитган ҳар бир кишини ўзига мафтун қиласди. Унга яқинлашганларнинг кўпчилиги сув ости чўтирига маҳкум бўлиб шикастланганлар ва халок бўлганлар. Чунки киши ажойиб овозни эшитиш биланок нима қилаётганини унутади...”.

Шунингдек, Шрайбер сув парисини ўрмон сехгарига айлантиради, Зимрак ундан Рейн заминининг фариштасини яратади. Гейбелъ эса у ҳақда опера либерреттосини ёзади. Г. Херш Лорелейга беш пардали фожеавий драма бағишилайди. Отто Хайнрих фон Лебен эса Лорелейни ўз қўшиқлари билан йўловчиларни ақлдан оздирадиган сув париси сифатида тасвиirlайди. Клеменс Брентано эртакларининг бирида Лорелей тимсоли берилган бўлиб, Хайненинг тасвири ҳам шунга монанд.

Балладанинг лирик қаҳрамони Лорелей орқали шоирнинг топталган, рад этилган мухаббати, ғам- алами моҳирона тасвирланган. Асарнинг ютуғи оддийлик ва ҳалқчилликдан иборат бўлиб, услуб жиҳатидан баландпарвозлиқдан холи бўлиб. У шоирнинг поэтик манерасига хос тимсоллар ва фикрни лўнда қилиб айтиши билан ажралиб туради. Дастлаб у талабалар, сўнгра ҳалқ қўшиғига айланиб кетди.

Юқорида биз Лорелей ҳақида бир нечта афсоналар яратилганлиги ҳақида айтиб ўтдик. Шулардан бири одессиялик Семён Липкинга тегишли бўлиб, у анча салмоқли. С. Липкин Икинчи жаҳон урушида немисларга карши курашган. У Қизил Армия таркибида Берлингача борган. У немис тилини яхши билганлиги учун урушдан кейин комендантурада ишга қолдирилган.

Бир оз вақт ўтгач, у бир соҳибжамол немис қизи билан танишади. Семен яхудий миллатига мансуб, немисларга карши жанг қилган бўлишига қарамай, қиз уни севди. Липкин ҳам унга кўнгил кўйди.

Кунлардан бир кун турмуш ўртоғи унга қўшиқ айтиб бермоқчи бўлди. У Хайнрих Ҳайненинг “Лорелей” шеърини куйлаб берди. Липкин жуда ҳайратланди, чунки, III Рейх яхудий Ҳайненинг китобларини майдонларда ёқтириб, шоирнинг номини бутунлай уннитишига буюрганди. Семён бу қўшиқнинг матнини ким ёзганлигини сўраганда, аёли бу ҳалқ қўшиғи эканлигини, муаллифи эса йўқлигини айтди. У муаллиф ҳақида ҳеч нарса билмасди.

Шундан сўнг Липкин аёлига “Лорелей” афсонасини сўзлаб берди:

“Бахарах шаҳридан унча олис бўлмаган Рейн дарёсининг ўнг қирғогида баланд, тик қоя осилиб турарди. Ҳар тўрт томондан унга чиқиш амри маҳол эди. Қоя шу қадар силлиқ, сирпанчик эдик, унинг на ёриғи на бўртиғи бор эди. Фақат қанот илиа учиб, қояга чиқиш мумкин эди, холос.

Айтишларича, қоя остидаги яшил сув ўтлари билан қопланган дарё тубида Рейннинг кекса Деви яшайди. У сув остидаги чуқурликда ўзига биллурдан сарой қуриб олган. Кўм-кўк, коронги чуқурлик, қовоги солик, баджаҳл, мөшгурунч соқолли Рейн Девининг макони эди. Дарё қирғогида эса балиқчилар қишлоғи жойлашган. Қишлоқ четида ёмғирдан қамиш томи қорайиб кетган кичкина хужрада балиқчи қизи билан истиқомат қиласди.

Лорани кимлар билмайди? Агар олтинранг соchlарини ёзиб юборса, бу олтин соchlар унинг одми кийимини беркитиб, худди қиролича ўтиргандай бўларди.

Лоранинг хусн-жамолининг таърифи узоқ юртларга етиб борди. Чор атрофдан ташриф буюрган йигитлар қиз дарчаси олдида тўпланишарди. Улар Лоранинг сочини куёш нурида товланишини кўриш, у куйлайдиган қўшиқни тинглаш ва мухаббат илинжида узоқлардан келишарди. Қиз эса ҳеч кимга кўнгил қўймасди. Лора жуда кўп қўшикларни ўрганган эди. Унинг бутун ёшлиги Рейн бўйида ўтган, шунинг учун ҳам қўшикларида дарё қувончлари, тўлқин жилвалари ва овозлари акс этарди.

Кунлардан бир кун Лора дарё қирғидаги қоя тагида нотаниш рицарни кўриб қолди. Рицар ўрмонда адашиб, йўлини йўқотган эди. Шу сабаб тўлқинлар овозини эштиб, қоя томонга келиб қолганди. У Лорага кўзи тушгач, турган жойида қотиб қолди, рўпарасида сув париси ёки ўрмон фариштаси турганини билмай, анграйиб қолди. Бир қарашда рицар қизни, қиз эса рицарни яхши кўриб қолди.

Шу туни кекса балиқчи қизини кутди. Бироқ қизи уйга келмади. Рицар уни ўзининг Шатльэк қальясига олиб кетди. Тофни беш марта айланиб, тоғ чўққисидаги қалъага етиб бордирлар.

Рицар Лора билан бахтили яшай бошлади. Салқин ўрмонда кўл ушлашиб сайр килишиди. Лора севгилисига қўшиклар куйлаб берарди. Ўрмондаги жами жонзот қўшиқ тинглашарди. Кийиклар эса шоҳ ва барглар орасидан мўралаб, қизнинг қўшиқ айтишини кузатиб, уни мароқ билан тинглар эдилар.

Фақат рицарнинг кари онасининг тинчлиги бузилган эди. У газабдан бозиллаган печка олдида ҳам титрар, совқотарди. Хизматкорлар печкага ўтин ва кўминаларни уюб ташлашди. Кекса графиня бечора балиқчи қизини ёқтиримас, уни кўргани кўзи ўйқ эди. Лоранинг олтин соchlари кампирни умуман қизиктирмасди. Чунки унда олтин тангалар, ҳатто олтин ёмбилар ҳам истаганича бор эди.

Охири кекса графиня ўғлига кимни олиб келганингни айтиб, ҳатто шу сабаб дарвоза устидаги герб ҳам хиралашиб кетганини, ўзлари эса асл қирол зотидан эканлигини эслатиб, иснодга қолдирмасликни тайинлади. Яна унга

қайлиги борлигини, у бадавлат қирол қизи әканлигини ҳам эслатиб ўтди. Агар балиқчи қизига уйлансанг, қаргишм тўйингга совға бўлсин, деди.

У кари графиняниң ерга қараб эшилди. Бироқ Лорани севади. Онасининг гапини эса ерда қолдиромайди. Онасининг қарғишидан кўркарди, шунинг учун бўлса керак у чукур ўйга толди.

Қари графиня ичидаги гапларини айтиб олгач, печкада исинар, бошқа қалтирамасди.

Граф Лорага бир она бўри изига тушишганини айтиб, қуролланган одамлари билан отларига миниб жўнаб кетишиди. Лорага севгилисисининг юзи қизил ранг шуъласида бегона ва совуқ кўриниб кетди. Отликлар қалья ҳовлисидан кулгу ва хуштак билан чиқиб кетишиди. Лора минора ойнасидан отликлар ўрмонга эмас, тоғнинг эгри-буғри йўлларидан бошқа томонга кетишганини кўрди. Севгилиси жўнаб кетгандан сўнг Лора жуда сикилди. Ноҳуш ҳолатни сезгандай кўнгли ғаш эди.

Ҳайбатли эшик аста-секин очилиб, хонага қальянинг кекса хўжайнини кириб келди. Бир ишора билан хизматкорлар даф бўлишди. Кекса графиня шошилмай Лоранинг ёнига келди. У Лорага ўғли уни алдаётгандигини, овга эмас, қайлигининг ёнига кетгандигини, шу билан бирга тўй совға-саломларини ҳам олиб кетгандигини айтиди. Лорага бу ерда қиласидан иш қолмагалигини, агар қолса тўйни тамоша қилиши, қора ишлар қилишга ўргангандиги сабаб, ошхонада хизмат қилиши мумкинлигини айтиди.

Ҳамма-ҳаммаси: шам, қари графиня, зал охиридаги кора эшик Лоранинг кўз ўнгидан бир-бир ўтди.

Лора бўйнидаги тақинчоқларини шартта узиб ташлади, марваридлар чор атрофга сочилиб кетди. Бармоғидаги узук ва қўлларидаги тилла занжирларини юлиб олиб, кампирнинг оёқлари остига отди ва қальадан қочиб кетди.

Тун бўйи зим-зиё ўрмонда ҳеч нарсадан кўрқмай уйи томон интилди. Турли ҳайвон ва шарпалар уни қўрқита олмади. Фақат у ёш графикинг қаллиғи олдидан шод-хуррам келишини кўрмаса бўлди.

Тонгга яқин у ўз қадрдан қишлоғига етиб келди. Отаси уни совуқ кутиб олди. Отасининг уйида унга жой йўқ эди. Шунинг учун Лора боши оққан ёққа, отасининг уйидан узокларга кетди. Боз устига қўшнилар ҳам уни бармоқ билан кўрсата бошладилар. Улар Лоранинг нега графикияликдан қайтгани, шохона либоси ва тилла тақичоқларини суриштирилар.

Коронги тушгунча Лора ўрмонда дайдиб юрди. Қош қорайгач, граф билан илк бор учрашган жой, дарё бўйига келди. У ўзини дарёга ташламоқчи бўлди.

Ойдин кеча. Рейн тинч оқмоқда. Ўқон суви ҳам тинч ва ҳаракатсиз. Кўққисдан сув ҳаракатга келди, кўпиклашди. Ўқоннинг тубидан Рейннинг кекса Деви аста кўринди. Унинг боши ва елкаси сувдан кўтарилиди. Ой шуъласида девнинг биллур тожи яракларди. Бошида эса яшил сув ўсимликлари осилиб турар, елкасига эса чифанок ёпишиб олганди. Соқолида кумуш балиқчалар гужгон ўйнашарди. Лора унга ҳайқмай қаради. Энди кимдан ҳам кўркарди. Энг даҳшатлиси содир бўлди-ку!

Кекса Дев айтиди: “Одамлар сени қаттиқ хафа қилиши. Менинг хафагарчилигим сенинидан кам эмас. Қачонлардир шу дарёning шохи бўлганман. Менга боз эгиб келишиб, қўшиклар айтишар, қимматбаҳо нарсалар, олтин ва кумуш тангалар ташлашарди. Тўрларига кўпроқ балиқ тушишини сўраб, дуо сўрашарди. Вақт ўтиб одамлар мени унтишиди. Улар мени шон-шуҳрат, қудратимдан маҳрум этишиди. Агар сен рози бўлсанг, биз биргаликда одамлардан ўч олардик. Қўшикларингни сеҳрлаб, кувват ато этаман. Билиб кўй Лора, юрагингда раҳм-шафқат бўлмаслиги лозим. Агар сал раҳм қилсанг, ҳалок бўласан!”.

Лора рози бўлди. Дев елкасини кимирлатди. Улкан тўлқин кўтарилиди ва Лорани чиқиши мушкул бўлган баланд қояга кийимиға бир томчи сув теккизмай олиб чиқиб кўйди.

Тўлқин қайтди. Қоя остида ҳалокатли гирдоб вишиллар эди.

Бутун ўлка бўйлаб балиқчининг қизи Лора қаҳрли сеҳргарга айланиб қолганлиги ҳақида хабар тарқалди. Кун ботишида у дарё мўнчок-марваридлари билан ясаниб, баланд қояда ўтириб олиб, олтин соchlарини тилла тароқда тараарди, соchlари эса ботаётган күёш нурида оловдек товланарди. Шундан кейин қояни “Лоре-лей” “Лора қояси” деб атай бошладилар. Ким унинг қўшиғини эшилса, ҳалокатга учраши муқаррар эди.

Дарё Деви унга ажойиб куч-кувват бахш этди. У ўзининг кимлигини унугди. Юраги тошга айланди. Пастга эса умуман қарамас, ҳеч ким унинг қўшикларига қарши бора олмасди. У қўшиклари билан одамларни сеҳрлаб, уларни даҳшатли гирдогба олиб келар ва фарқ этарди. Шунинг учун ҳам балиқчилар: “Бу ердан қоч балиқчи! Эҳтиёт бўл, қайиқчи! Агар қўшиқ эшилсанг, тамом бўлдинг кемачи!” - деб нидо қилишарди.

Балиқчи қўшиқдан сеҳрланиб, юқорига қарайди ва эшкак унинг қўлидан чиқиб кетади. Қайиқни даҳшатли гирдоб ўз домига тортиб кетади. Тирик қолишининг ҳеч иложи йўқ.

Уни тошбагириқда айблай бошладилар. Баъзилар, қиз йигитларни ўзига мафтун этиб, топталган, рицар қадрламаган муҳаббати учун қасд олмоқда, дейишади.

Рицар қаллиғининг олдидан қайтгач, қальада севгилисисини топа олмади. Лорани ўлгудай соғинган эди. Энди унга бари бир бўлиб қолди. Унинг қулоғига тинмай севгилисисининг овози, қўшиклари эшитилаверарди.

Рицар узок юртларга юриш қилиб сафарга жүнаб кетди. Сафари узокқа чўзилди. Аммо унинг дардлари тинчлик бермасди. Қалбини ёндирап, соғинч уни азобларди.

Рицар сафардан қайтди. Кекса онаси ўғлини кутмай вафот этди. Саройдан файз кетди, хамма нарса хиралашди, минорадаги байроқ эскириб, тузи ўчди, дарвозадаги герб хиралашиб, таниб бўлмай колди. Ерга ётқизилган тош плиталарни ўт босиб, ҳатто қалъа қаровсиз қолганидан зарпеклар зарпекларга чирмашиб кетди.

Рейн бўйидаги қояда олтин сочли сехргар ҳақидаги хабарни саёҳатчилар йўл-йўлакай барчага етказишарди. Бу ҳақда саройдаги хизматкорлар ҳам шивирлашарди.

Рицарни азоб ва жаҳл қамраб олди. Азоб ва аламдан ақлдан озай деди. Лорани ким сехргар деса, қилич билан уни тилиб ташлашга тайёр эди. Жаҳлдан дуч келган нарсани: қалин стол, олтин буюмларни қилич билан чопиб ташлади.

Энди уни ҳеч ким тўхтата олмайди, ҳеч кимнинг маслаҳатига бўйин- сунмайди. Онаси қабрдан чиқиб келса ҳам, унинг гапига қулоқ солмайди. Рицар турган хонадан тарақ-турук овозлар келарди. Хизматкорлар кўркувдан эшик ортига яширинишаради.

Рицар отларни эгарлашга буюрди. Тоғ чўққиси ботаётган қуёш нуридан кирмизи рангга кирди. Рицар Рейн дарёси бўйига етиб келди. Бир тўп балиқчилар гаплашиб туришарди. Бироқ улардан биронтаси ҳам графни қояга олиб боришга кўнмади. Рицар бутун бойлигини вაъда қилса ҳам, ҳеч ким бу юмушга рози бўлмади. Ҳар кимга ўзининг жони ширин эди.

Бир балиқчига бир ҳамён пул бериб, унинг қайигига ўтириди, эшкакка ёпишди. Узоқдан таниш овоз эшитиларди. Бироқ овоз паст, шамолда узилиб-узилиб келарди. Рицар севгилисини тезрок кўриш учун эшкакни бор кучи билан эша бошлади. Ана, энди Лоранинг овози аникроқ эшитила бошлади. Рицарга Лорелей уни чақираётгандай туюларди. У мени кечиради, баҳтга яқин колди, эшкакни дадил эшиш керак. Рицар ўзини худди ҳавода учиб кетаётгандай сезарди. Лора уни бутунлай забт этган эди. Бу ҳаво ҳам эмас, шамол ҳам эмас-бу Лорелей овози. Унинг олтин соchlari riçarning kўzlarini қамаштира бошлади.

Лора! –қичқирди рицар.

Бир лаҳзада гирдоб қайикни чир айлантириб қояга урди. Тўсатдан Лоранинг овози ўчди, худди рицар уйғотгандек, қўшик ҳам сўнди. Юқоридан қараса, кўпиклар орасида севгилиси чўқаяпти. Гирдоб уни ютмоқда. Лоранинг кўз ёшлари селдай қуолмоқда. Кўрдики, рицар қутилишга ҳаракат қилмаяпти, қайик синиқларига тирмашмаяпти. Севгилисини қутқариш мақсадида кўлинни узатди, яна, яна. Қоядан тушиб кетди ва сувга йиқилди. Узун олтин соchlari сувда айлана бошлади, хўл бўлиб, қорайиб қолди. Лора ва рицарни тўлқинлар ютиб юборди.

Шу пайт сув қаъридан гумбурлаган товуш келди. Айтишларича, Рейннинг кекса Деви сув ости қалъаси қулади. Шундан бери Рейн Девини ҳеч ким кўрмади, аҳоли уни деярли унутди. Олтинсоchlari Loralейни эса эслашади. Айтишади, у ҳозир ҳам гоҳ-гоҳида қояга чиқиб, олтинранг соchlari тарайди. Бироқ қомати элас-элас кўриниб, овози аранг эшитилади.

Х. Ҳайненинг “Лорелей” балладаси Рейн дарёси қирғоғидаги коя билан боғлик афсонани дунёга танитди ва машҳур қилди. Шоир шеърни ниҳоятда усталик билан яратди. Бу жараёнда у немис тилининг бор имкониятларидан фойдаланди. Натижада, немис тили кўпол, фализ, дағал деган тургун фикрларга қарши тилнинг мулоим, нозик, ёқимли эканлиги лўрсатиб берди. Буларнинг барчаси Ҳайненинг кучли маҳорат соҳиби эканлигини кўрсатиб берди.

Буюк немис шоири X.Ҳайненинг тиллардан тилларга кўчган асарларидаги юксак бадий-эстетик ғоялари жаҳон ҳалқларининг Эзгулик, Гўзаллик, Муҳаббат ва Ҳақиқат учун курашга илҳомлантираяпти ва инсоний муҳаббатнинг яратувчи куч-қудратини намойиш этмоқда. Шоир даҳосининг умумбашарий моҳияти ҳам ана шундадир.

Адабиётлар:

- Сафо Очил. Орзулар кўкидаги шафақлар. Тошкент. “Ўқитувчи”. 1993
- Heines Werke in fünf Bänden. Erster Band. Gedichte. Aufbau-Verlag Berlin und Weimar. 1970.
- Скала Лорелей. <https://incomartour.ua/countries>
- Волшебная немецкая легенда. https://www.de-online.ru/news/loreleja_volshebnaja_nemeckaja_legenda/2016-07-08-637
- <https://kai.ru/web/naucnotehniceskaa-biblioteka/13-dekabra-2017-22o-let-so-dna-rozdenia-hristiana-ioganna-genriha-gejne>
- Aziz, A., & Shavkat, A. (2022). Aristocrats Sympathetic to Heine. *International Journal of Formal Education*, 1(10), 40-43.
- Aziz, A., & Shavkat, A. (2022). Symbol of the Paris of Inspiration. *International Journal of Formal Education*, 1(11), 17-20.

8. Sobirov, N., & Akbarov, A. (2021, June). GERMAN SCIENTISTS ABOUT THE FERGANA VALLEY. In *Kонференции*.
9. Nematjon, S., & Akbarov, A. (2021, August). GERMAN SCIENTISTS ABOUT THE FERGANA VALLEY: <https://doi.org/10.47100/conferences.v1i1.1252>. In *RESEARCH SUPPORT CENTER CONFERENCES* (No. 18.05).